

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Ш.МАМАТУРОВА,
ЎзА мұхбири.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Бу йилги «Олтин қалам» танло-
вида 520 журналист 9 минг 500 га
яқин материали билан қатнашди.
Телевидение, радио, босма омма-
вий ахборот воситалари ва интер-
нет-журналистика йўналишлари
бўйича ўтказилган ушбу танловда

«Қизил Ўзбекистон»
(ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасининг
1942 йил, 1 январь сони ахборотидан.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида «Ўзбекнефтьгаз» компанияси томонидан 2010-2016 йиллар давомида қарийб 20 миллиард долларлик капитал қўйилмалар киритилганига қарамасдан, суяқ углеводород ва табиий газ қазиб олиш камайганлиги, хомашё импорт қилиш ҳажми 1,3 баробар кўпайганлиги, белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан етарли даражада назорат ўрнатилмаганлигини алоҳида таъкидлаган эди.

НЕФТЬ ВА ГАЗ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИ ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг нефть маҳсулотлари, табиий ва суюлтирилган газга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш» мавзусида таш-



қил этилган тадбирда республикада углеводород захиралари геологик-қидирув ишларининг бориши, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда аҳолини нефть ва газ маҳсулотлари билан таъминлашнинг ҳолати, бу борадаги муаммолар ҳамда истиқболдаги режалар хусусида атрафлича сўз юритилди.

Йиғилишда «Ўзбекнефтьгаз» Миллий холдинг компанияси тизимидаги компания ва корхоналар томонидан Республикада аҳолининг нефть маҳсулотлари, табиий ва суюлтирилган газга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш борасида олиб борилаётган комплекс ишлар тўғрисида маълумот берилди.


Таъкидландики, «Ўзбекнефтьгаз» компаниясининг углеводород қазиб

чиқариш ишлари 5 та нефть-газли ҳудудда яъни, Устюрт, Бухоро-Хива, Хисор, Сурхондарё ва Фарғонада олиб борилади. Бугунги кунга келиб аҳолининг нефть маҳсулотларига, айниқса, автобензин ва дизель ёнилгисига бўлган талаби ортиб бормоқда. Аҳоли даромадининг тобора ўсиб бораётганлиги туфайли республика бўйича автотранспортларнинг умумий сони ошди. Шу билан бирга, автотранспорт воситалари сиқилган ва суюлтирилган газга ўтказилишига қарамай, автобензинга бўлган эҳтиёж камаймаяпти.

— Тадбир давомида биз асосий эътиборни нефть ва газ захираларини аниқлашга йўналтирилган геология қидирув ишлари, углеводород қазиб чиқаришнинг жорий ҳолати, аҳолини ҳамда иқтисодиёт тармоқларини табиий ва суюлтирилган газга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қоплаш масалалари, мавжуд муаммолар ва истиқболдаги режаларга қаратдик, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов**. — Чунки аҳолидан келиб тушаётган эътирозлар ушбу тизимни янада такомиллаштиришни, унинг қонунчилик асосларини қўриб чиқишни талаб этмоқда. Энг муҳими, бу борадаги имкониятлардан самарали фойдаланиш, нефть-газ захираларини тежаш, мақсадли ишлатиш масалалари парламент ва жамоатчилик назоратининг доимий ишига айланиши зарур.

Йиғилиш якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИ иш ўринлари яратилишига хизмат қилади



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда «Турист фаолиятининг самарали ахборот таъминоти» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда таъкидландики, мамлакатимизда туризм саноатини ривожлантириш, иқтисодиётнинг тез ўсишини таъминлашда унинг ролини ошириш ва шу орқали янги иш ўринлари яратиш, дунё бозорида миллий туристик маҳсулот салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилувчи ташкилий шароитлар яратилмоқда. Шу боис туризм соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи самарали меъёрий-ҳуқуқий майдон, соҳани ривожлантиришнинг стратегик режалари бўйича қабул қилинган ҳужжатлар мазкур фаолиятнинг асосини ташкил этиши лозим. Бу жараёнда туризмнинг ўзига жалб этувчи воситаси сифатида ахборот

бозори иштирокчилари фаолиятини такомиллаштириш, ахборот технологиялари салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган қоидаларни таркиб топтириш талаб этилади.

Депутатлар миллий туризм тизимини ривожлантиришда мазкур соҳада самарали ахборот алмашинувини таъминлаш зарурлигини қайд этишди. Бу биринчи навбатда, истеъмолчиларнинг мамлакатимиз ҳақидаги ахборотдан эркин фойдаланиши, туристик хизматларни тақдим этиш шароитлари, хусусиятлари ҳамда уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ахборотларга тегишли лидер. Мазкур масалаларни комплекс ва тизимли ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни таъминловчи қоидаларни миллий қонунчилигимизга киритишнинг таъминлаш лозим, дейишди сўзга чиққанлар.

Давра суҳбатида, шунингдек, туроператорлар фаолиятига туризм бизнесининг ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва қулайлаштиришга имкон берадиган

замонавий компьютер дастурларини жорий этиш зарурлиги таъкидланди. Туризм хизматларини сотиш ва банд қилиш бўйича туроператорларнинг GPS-позицияга асосланган халқаро глобал ахборот тизимларига улашилари ва локал сервисларни яратишларининг муҳимлиги қайд этилди.

— Туризм соҳаси мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга, — дейди **Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Нўмон Акбаров**. — Туризм бозорини ривожлантириш учун бир қатор масалаларга эътибор қаратиш зарур, деб ўйлаймиз. Масалан, ахборот тарғибот компаниясини ўтказиш ва турли ОАВда Ўзбекистон туризми ҳақида ижтимоий реклама-ларни тарқатиш, фото ва видеоматериаллар банкни яратиш керак. Шунингдек, интернет тармоғида мамлакатимизнинг туристик имкониятлари ҳақидаги марказлаштирилган ва алоҳида ахборот ресурслари ҳамда туристлар, туроператорлар ва туризм соҳасининг инвесторлари учун ахборот порталлари сонини ошириш, мамлакатимиз ва чет элдаги туристлар учун ахборот марказлари тармоғини яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Давра суҳбати якуни бўйича келгусида туризм фаолиятини ахборот билан таъминлаш жараёнининг қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Сўз — ЎзХДП етакчиларига!

Мамлакатимизда юз бераётган янгиланишлар жараёни ҳар биримиздан янада фаол, фидойи бўлишни талаб қилмоқда. Айниқса, аҳолини ўйлантираётган масалаларни аниқлаш, уларга ечим излашда сиёсий партиялар, депутатлар зиммасига катта масъулият юкланмоқда. Бу борада маҳаллий партия ташкилотлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти муҳим ўрин тутмоқда. Электрат вакилларини ташвишга солаётган масалаларни ўз вақтида ўрганиш, муаммоларнинг илдизига етиб бориш, партия гуруҳларимиз орқали уларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратаймиз.

Мурожаатларга бефарқ қарашга ҳаққимиз йўқ

Фикримнинг далили сифатида қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Жорий йилнинг биринчи чорагида ЎзХДП Андижон вилоят Кенгаши ташкилотлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига мурожаат қилганлар сони 381 нафарни ташкил этди. Қўтарилган масалаларнинг 90 фоизи ижобий ҳал қилинди. Батафсилроқ айтилган бўлса, мурожаат қилган фуқароларнинг 161 нафарига ишга жойлаштиришда ёрдамлашилди. Иш ҳақи ва пенсия пулини вақтида берилиши таъминланди ва моддий ёрдам кўрсатилди. 144 мурожаат уй-жой, коммунал хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларга тегишли. Ўз ишини очмоқчи бўлганларнинг 26 нафарига кредитлар ажратилганга қўмақлашилди. Қолган 49 мурожаат юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Шуни ҳам айтиш кераки, мурожаатлар сони шу йилнинг биринчи чорагида 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 154 тага кўпайди ва ижобий ҳал қилиниш даражаси 16 фоизга ортди. Бу аҳоли ўртасида партия-миз нуфузи ошаётганидан далолатдир.

Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини аҳолига қулай тарзда ташкил қилиш яхши самара бермоқда. Чунки кексалар, ногиронлар ижтимоий қўмакка эҳтиёжманд аҳоли вакилларининг туман, шаҳар марказига боришга имконияти йўқ бўлиши мумкин. Шунингдек, олиб, ташкил қилинаётган Кўча жамоатчилик қабулхоналари кўпчилики ҳам қўл бўлмоқда. Чекка кишлоқларда ҳам бу борада иш қизғин. Одамларда мурожаат қилиш ва вазиятга тўғри баҳо бериш маданияти юксалиб бораётган. Улар муаммони тўғри қўя оляпти. Асосийси, уларнинг ечимни кўпчилик манфаатига хизмат қилишига ишонишари.

Масалан, депутатларимиз ўз ваколатларидан фойдаланиб, Андижон шаҳри Лутфий кўчасида ўрнатилган эски электр сим ёғчаларини янгисига алмаштириш юзасидан «Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамиятига депутатлик сўрови жўнатди. Бу муаммо жамиятнинг «Янги шаҳар» бўлими томонидан ҳал қилинди.

Вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Дурбек Абдурахмоновнинг вилоят айтиёл корхонасига жўнатган депутатлик сўрови асосида Шахрихон тумани Сегазқум маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Сегазқум кўчасини асфальт қилиш масаласи жорий йил режа-дастурига киритилди. Шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партияимиз гуруҳи аъзоси Ёқутхон Мадрахимова томонидан «GM-Uzbekistan» корхонасига Асака туманидаги 1870 йилда қурилган хунармандлар жойлашган тарихий бинони таъмирлаш бўйича депутатлик сўрови юборилди. Мазкур масала ҳам ижобий ҳал этилди.

Ҳозирги пайтда депутатларимиз, аввало, мурожаатларда қўтарилган масалани пухта ўрганиб, масъулият билан ҳал этиш чораларини кўришяпти. Депутатлик сўрови ижросида депутатнинг иштироки муаммонинг тез ечим топишига замин бўлмоқда.

Яна бир мисол. Андижон тумани Буюк Турон маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари туман газ идорасидан суюлтирилган газ баллонларини олишда қийинчиликка дуч келинаётганини билдириб, ёрдам сўрашди. Мазкур масала юзасидан туман Кенгаши депутати Сардор Қосимов томонидан ишчи гуруҳи тузилди. Депутатлик назоратини қучайтириш натижа-сида суюлтирилган газ баллонларини биринчи навбатда кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар ва ногиронларга берилиши йўлга қўйилди.

Бу ишлар бажаришимиз керак бўлган вазифаларнинг бир қисми ҳолос. Агар ҳар бир ишга янада масъулият билан ёндашсак, муаммонинг ечимини топиш, кўз илғамас айрим камчиликларни бартараф қилиш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, яшаш шароитини яхшилашга эришиш мумкин. Ўйлайманки, ҳар биримиз эзгу мақсадлар билан фаолият юритсак, одамларнинг ишончини оқлашга эришамиз.

Абдулхамид НУРМАТОВ,
ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари.

Депутат ва ҳаёт

АҲОЛИ КЎПРОҚ ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАРДА МУРОЖААТ ҚИЛЯПТИ?

Президентимиз томонидан 2017 йил юртимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинганда аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишнинг янги механизм-ларидан фойдаланиш кераклиги алоҳида ўқитиб ўтилди. Бу борча даражадаги раҳбарлар, депутатлар олдига янги ва масъулиятли талабларни қўйди. Инсон манфаати ҳамма нарсадан устун, деган тамойил мамлакатимиз сиёсатининг бош мезонига айланди.

Депутат ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиши, раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари Кенгашлари сессиялари муҳокамасига киритиши ҳамда улар фаолиятига тегишли ҳулосалар беришига оид банди ижроси парламентимиз фаолиятида янги босқични бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди. Бу жараёнда нафақат Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз аъзолари, балки маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ҳўш, бугун депутатларга аҳоли қайси масалаларда кўпроқ мурожаат қилляпти? Уларни ҳал этиш бўйича қандай чора-тадбирлар қўрилмоқда, қандай ташаббуслар илгари сўрилмоқда? Депутатларимизга ана шу саволлар билан мурожаат қилдик.



Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОВЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Хабарингиз бор, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасидаги фракциялар аъзолари ҳар ойнинг биринчи 10 кунлигида жойларга чиқиб, биттадан туман-нинг комплекс ўрганишмоқда. Ҳокимият, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларидан тортиб барча йўналишларда одамларни қийнаётган масалалар тизимли равишда ўрганилиб, муаммолар ҳал этилмоқда. Бунинг билан мулоқотнинг самараси, деб биламан.

Бундан ташқари, ҳар бир депутат ҳар ойда ўз ҳудудидан 50

тадан хонадонга кириб, аҳоли вакиллари билан очик мулоқот олиб борапти. Бу жараёнда маҳаллий Кенгашлар депутатлари бевосита иштирок этмоқда. Натижада ҳудудлардаги баъзи масалаларни сессияларга киритиш тизими такомиллаштирилди.

Мисол учун, март ойида Наманган вилоятининг Уйчи туманида бўлдик. Апрель ойида Тўрақўрғон туманида уйма-уй юриб, одамларнинг турмуши билан танишдик, уларни ташвишга солаётган масалаларни ўргандик. Муаммоларга ечим топиш бўйича

маҳаллий ҳокимликларга, тармок, ташилот ва идораларга мурожаат қилдик.

Ўрганилган масалалар бўйича маҳаллий ҳокимият органларига депутатлик сўровлари юборилляпти, улар ижросига ҳам эътибор қаратаймиз.

Кишлоқ врачлик пунктларида оптималлаштириш жараёнини олайлик. Бу орқали бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган, мослаштирилган бинолардаги кишлоқ врачлик пунктлари жойлашувни қайта қўриб чиқилмоқда. Самарасиз ишлаётган пунктларга сарфланаётган маблағлар талаб юқори бўлган КВПларни моддий-техник жиҳатдан мустаҳкамлашга йўналтирилмоқда. Кишлоқ врачлик пунктлари туну кун ишлаши, врач у ерда яшаш учун зарур шароитлар яратиш масалаларига эътибор қаратилляпти. Биз ҳам ўз навбатида, тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг жой-

лардаги ижроси билан яқиндан танишяпмиз. Масъул ходимлар, раҳбарларнинг бу масалага эътибори қандайлиги билан қизиқяпмиз.

Учрашувлар, мулоқотлар давомида халқимиз онгида катта ўзгаришлар бўлаётгани сезилмоқда. Қай бир ҳудудга бормайлик, одамларнинг ички ва ташқи сиёсатда амалга оширилаётган ислохотларга қизиқиши ҳар қачонгидан ортганига гувоҳ бўляпмиз. Мурожаатларда шахсий манфаатдан кўра, халқ дарду ташвиши устуңлик қилаётгани ҳам кишини қувонтиради. Ички йўллари таъмирлаш, ичимлик суви, тиббиёт масаласи, коммунал соҳани ривожлантириш, энг асосийси, халқнинг ҳақ-ҳуқуқини, қонун устуворлигини таъминлаш, ички ишлар тизими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига бўлган ишончини ошириш бўйича олиб борилаётган ислохотлардан халқимиз миннатдор бўляпти.



Ғуломжон САПАЕВ,
ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси:

— Бугун ҳаётнинг ўзи сиёсий партиялар олдига юксак вазифаларни қўймоқда. Чунки бугунги сайловчи чекагидан кескин фарқ қилади. Улар партиядан амалий иш кутмоқда. Шу нуктага назардан партияимиз ташкилотлари ўз ишини қайтадан қўриб чиқди. Депутатлик бир-лашмалари ҳамда партия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлики янада мустаҳкамлаб, электротизимизга дахлдор бўлган муаммолар ечимига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хоразм вилоятида партияимиздан сайланган 118 нафар депутат, 12 та депутатлик гуруҳимиз бўлса, уларнинг ҳар бири учун аниқ вазифалар белгиланди. Яъни ҳар бир гуруҳ ҳар чоракда камида 4 масалани ўрганиши, камида 1 масалани сессияга киритиши ва муаммо юзасидан ҳаётий таклифлар бериши лозим.

Шу ўринда ўтган йилги ҳолатга тўхталиб ўтмоқчиман. 2016 йил давомида Хоразм вилояти бўйлаб 38 депутатлик сўрови амалга оширилди.

Жорий йилнинг шу кунига қадар 30 га яқин депутатлик сўрови юборилган. Уларда жойлардаги тиббий хизмат сифатини яхшилаш, аҳолининг дори воситаларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш ва яна бошқа кўплаб масалалар кўтарилган. Мисол учун, халқ депутатлари Боғот туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи томонидан туманда дори воситаларининг таъминоти, нарх-навоининг мутаносиблиги таҳлиллар асосида ўрганилди. Мазкур масала тегишли доимий комиссияда муҳокама қилинди ва дори воситаларининг сифати ҳамда баҳоси устидан депутатлик назорати ўрнатилди.

Маҳаллий Кенгашлар депутатлари Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари билан аҳоли хонадонлари, мактаб, коллеж, тиббиёт муассасалари, меҳнат

жамоаларида бўлиб, ҳақиқий аҳвол билан яқиндан танишиб чиқяпти. Муаммоларни ҳал этиш, тараққиёт режаларини амалга ошириш юзасидан одамлар ҳам ўз мулоҳазалари, таклифларини билдиришмоқда.

Яқинда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги партияимиз гуруҳи йиғилишида мактабгача таълим муассасалари моддий-техник аҳоли ва у ерда мавжуд муаммоларнинг ечимини бўйича масала муҳокама қилинди. Вилоят халқ таълими бошқармасининг ахбороти эшитилди ва бир қанча ечимини кутаётган масалалар борлиги маълум бўлди. Масалан, баъзи мактабгача таълим муассасалари бинолари ўз вақтида ишга туширилмаган. Айримлари мебель-хўзлар билан етарли таъминланмаган. Бу масалани тақлиф ва тавсиялар берилмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.

Ҳар бир гуруҳ ҳар чоракда камида 4 масалани ўрганиши, камида 1 масалани сессияга киритиши ва муаммо ечими юзасидан ҳаётий таклифлар бериши лозим.

«УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ»

Келажакни астойдил ўйлаб, унга жон-жаҳди билан талпиниб яшаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Жалол Рўзиев эса ана шундай теран ақл соҳиби, серғайрат, сахий қалб инсон эди. У ён дафтарига бундан қарийб ўттиз йил бурун «Шахрисабзнинг истиқболи — боғдорчилик ва сабзавотчилик», деб қайд қилган, шунга интилган, бугун ҳам ҳосил бераётган тенги йўқ боғ-роғлар яратган эди. Ўйлаб-чамалаган режалари айрим амалдорларга ёқмаса ҳам, шартта юзига айттар, ноҳақ маломатга дучор қилинганлар тарафида бўларди. Шерюрак эди. Дарвоқе, у туғилиб ўсган қишлоқ ҳам Шеромон деб аталади...

Ният қилиб, Қаяни қишлоғига туташ ўрмонзорга етиб келдим. Кўкка бўй чўзган терак, ёнғоқ ва бошқа дарахтларни қирқинчи йилларнинг бошида Хуррам Боқиев ўтказган, парваришлаган, бу сўлим гўшада буюк адиб Ойбек ўтган асрнинг эллигинчи йиллари бошида ижод қилган. Мен изларини излаб, бир ойдан буён тоғ қишлоқларини кезиб, ўйлаган инсон — Жалол Рўзиев бир замонлар Хуррам бобонинг маслаҳатини олгани бу жойларга кўп келар эди.

Ўрмонзорнинг бир ёқасидан Оқсув дарёси пишириб оқаяпти. Дарё соҳилида туриб, умр ва ҳаёт ҳақида ўйлайман. Юз-қўлимни муздек совуқ сувда юваман. Хўрсинаман. Бугун буюк адиб ҳам, ўрмончи бобо ҳам, бутун Шахрисабзни қалбига жо айлаган, ҳар бир қишлоқни кезиб, одамлар турмушини яхшилаш иштиёқида яшаган, боғлар яратган Жалол Рўзиев ҳам орамизда йўқ. Мен журналист сифатида у кишини кўп бора учратган, суҳбатлашган эдим. Минг афсуски, ҳаёти, дард-ўйлар ҳақида бирор марта сўрамабман.

Бундан ўқсинаман. Улкан анҳор ёқалаган йўлдан юра бошлайман. «Мен Темирчи қишлоғиданман, болалар боғчасида ишлайман, Жалол Рўзиевни билмаган киши йўқ, унинг синглиси Сочучук мактабда ишлайди, яқин дугонам», дея йўл кўрсатади Дилором Жабборована...

Шеромон боғ-роғлар қўйнидаги қишлоқ экан. Мана, Жалол Рўзиевнинг ҳовлиси. Одий, аммо дид билан қурилган уйлар. Кенг ҳовли дарахтзор, узумзор. Пешайвондаги ўриндиққа ўтираман. Оила бекаси Иззат опа бизни хушнудлик билан қутиб олади. Дарров дастурхон ёзилади, қандкурс қўйилиб, нон ушатилади. Меҳмон келганини эшитиб, кўни-қўшни ўтишади. Суҳбат бошланади.

— Айланай укажон, хуш келибсиз, — тилидан бол томади 80 ёшли Нисо мома Шарипованинг. — Шундай ҳамсоямиз. Жалол мендан ўн

ёш кичик эди, ҳозир ҳаёт бўлса, етмишдан ошган бўларди... Илмми, адолатли йигит эди. Умрининг охиригача одамларга яхшилик қилиб кетди раҳматли.

— Нимасини айтасиз, мумкин, — кўз ёшларини артади яна бир қўшнисини Фарида Бобоқуллова. — Эсимда, ўғлимнинг мазаси қочиб, худлик билан даволаниши керак бўлди. Қўлимиз қисқа эди. Охири, Жалол аканинг олди-га келдим. У киши пул берди. Болам тузалиб кетди, ҳозир икки фарзанди бор. Бироқ ўша пулни қайтариб олмади. Бир бизга эмас, қандайдан-қанча муҳтож кишиларга беминнат ёрдам берган. Илоҳо, жойлари жаннатдан бўлсин...

— Қишлоғимизни обод қилиш учун ҳеч нарсасини аямасди, — эслайди Маннон Сатторов. — Ҳеч кимни камситмас, ночорлардан ёрдамини аямасди...

Бундан ўқсинаман. Улкан анҳор ёқалаган йўлдан юра бошлайман. «Мен Темирчи қишлоғиданман, болалар боғчасида ишлайман, Жалол Рўзиевни билмаган киши йўқ, унинг синглиси Сочучук мактабда ишлайди, яқин дугонам», дея йўл кўрсатади Дилором Жабборована...

Билсангиз, юксак чўққиларга ёндош, Филон, Сувтушар ёки Оммоғон, Хитой қишлоқларига борган киши икки-уч кунсиз қайтолмайди. Қишда йўлларни қалин қор қоплаб олади. Аммо Жалол ака ўша чўққилар пойидаги адирларда боғ яратаётган кишилар олди-га тез-тез бориб турарди.

уста боғбон бўлган. Оилада 7 ўғил ва 3 қизни вояга етказиш осон кечмаган. Тўнғичи — Жалол институтни 1970 йилда битириб, муҳандис бўлди. Ҳам ўқиб, ҳам ишлаб, укаларини ёнига тортди, қўллаб-қувватлади. Барчаси илмми, хунарли бўлди. Уйланди, садокатли умр йўлдоши Иззат Курбонова билан уч ўғил ва беш қизни унғайтириб, камолга етказишди.



Йигитликда йиғилмининг маҳзани, Қарилик чоғи харж қилгил ани...

Жалол Рўзиевнинг шахсий кутубхонасида Ҳазрат Навоийнинг кўп бора ўқилган китобидаги ушбу байт остига қалин чизик тортилган. Китоблар жуда кўп. Умр йўлдоши Иззат ая: «Кўп ўқирдилар, тонггача китоб варақлаб чиққан кунлари бўларди», дейди. Дарҳақиқат, кичик кутубхонада турли соҳага оид китоблар бор экан. Деҳқончилик, сабзавотчилик, отчилик, паррандачиликка оид қўлланмалар тўплаб, улардан доимо фойдаланган, ўз устида ишлаган. Навоий, Бобур, Абдулла Орипов асарлари, Амир Темур бобомиз

галла қолсин», «Техникани кичик фермер ололмайди», «Шахрисабз тўлиқ боғдорчилик ва сабзавотчиликка ўтиши керак»...

Бундай фикрлар, хулосалар, қайдлар кўп. Ёзувларни тафаккури юксак, доим режа тузиб, уларни юзига чиқариш учун ўзини аямай меҳнат қилган инсон битган. Қачон ва қандай улгурган? Жалол ака институтни тугатиб келиб, ўзи туғилиб ўсган хўжаликда меҳнат қилган. Серғайрат, илмми муҳандис тез орада тумандаги масъул вазифаларга кўтарилади. Бир неча йил Шахрисабз туман қишлоқ ва сув хўжалик бошқармаси ва ўн йилдан ошдиқ туман қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатиш қорхонасининг раҳбари бўлади.

— Жалол ака Шахрисабзнинг барча қишлоқлари, экин майдонларини кезиб чиққан эди, — дейди меҳнат фахрийси Қаҳрамон Қўлдошев. — Билсангиз, юксак чўққиларга ёндош, Филон, Сувтушар ёки Оммоғон, Хитой қишлоқларига борган киши икки-уч кунсиз қайтолмайди. Қишда йўлларни қалин қор қоплаб олади. Аммо Жалол ака ўша чўққилар пойидаги адирларда боғ яратаётган кишилар олди-га тез-тез бориб турарди. Мен анча йил хўжаликда боғ агроном бўлдим, мушаккилик йилларида фермер хўжалик тузиб, уни бошқардим, ҳозир ўғлим ишни қўлимдан олган. Айта оламани, Жалол ака кўпчилик фермерларнинг ер майдони, ташвишларини ёддан биларди. «Эртани ўйланглар, боғ яратинглар», дерди ҳаммаша.

— Қаҳрамон ака ҳақ, Жалол ака доғишманд, катта ташкилотчи, узокни кўра билувчи инсон эди, — хотирлайди туман агрокимё хизмати қорхонаси бош муҳандиси Элмурод Қўлдошев. — У киши билан ўн йил бирга

ишладик. Алоҳида павильон қурдирдилар, натижада ўғитларни ёмғир-қорга ивитмай, вагондан тушириб олар эдик. Бугун заводларга сифатли ўғит ишлаб чиқариш талаби қўйилмоқда. Жалол ака анча илгари минерал ўғит ишлаб чиқараётган қорхоналар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган, сифатли маҳсулот олиш учун талашиб-тортишарди.

Раҳбарлик, кўрсатма бериш ўз йўлига. Инсон аниқ иши билан ҳаёт йўлини берайди. Мен юксак тоғ адирлари бағридаги Анҷиги қишлоғига чиқиб бордим. «Шамолимиз қаттиқ ва аччиқ», дейишади кўпчилик. Аммо боғларга чўмган экан бу қишлоқ. Ховлилар, кўча четлари мевали дарахтларга тўла.

— Бир неча адирлар бағридаги қишлоқларни қўшиб, алоҳида хўжалик тузишди, — эслайди меҳнат фахрийси Сожида Хуррамова. — Бир йил ўтиб, 1981 йилда Жалол ака раҳбар бўлиб келди. Ушунда жами ер 8 минг гектардан ошди, бироқ сугориладиган майдон атиги 240 гектар эди. Чорвачилик ўзини оқламади эди. Мен раис ўринбосари эдим. Раҳбаримиз елиб-югуриб, боғдорчиликни ривожлантирди. Чунки халқни боқиб, иш топиб бериш керак эди. Адирларга бугдой, тарвуз, эдик. Ҳисорак сув омбори қурувчилари адирдаги 70 гектар ерга сув чиқариб, узумзор барпо этишди. Янги ер, тупроқ ўпирилиб кетади, аммо Жалол аканинг ўзи иш бошида туриб, сув тарар, ниҳолларни ўстиришга даъват этарди. Ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аямас, бироқ одамлар ундан рози эди. Тез орада Анҷиги қишлоғи адирларига сув чиқариб, яна 200 гектар янги боғ яратди. Ҳосилга кирган боғлар маҳсулоти фойда келтира бошлади. Шунда хўжаликда ишлаб кетган кишиларга ҳар ой қўшимча пенсия берилди бошлади. Боғбонлар узлуксиз мукофот олишарди. Мактаб, боғчалар қурилди. 1994 йил Жалол ака туман қишлоқ ва сув хўжалик бошқармаси бошлиғи бўлди. Аммо одамлар у кишининг хизматларини ҳеч вақт унутмайди.

— Мен саксон бешинчи йилда агроном бўлиб ишга келганим, — эслайди Насриддин Эшмуродов. — Бир куни эрталаб раис: «Қирдаги бугдойга ўғитни қачон сепдинглар?», деб сўраб қолди. Очиги, бориб кўрмаганим. Аммо Жалол ака тонг саҳарда хабар олган экан. «Ёлгон гапирма», дедилар. Бу сабоқ бўлди. Ҳозир Жалол ака сув чиқарган адирларда фермерлар меҳнат қилаяпти. Мен ҳам фермерман, 38 гектар боғимиз бор. Яхши инсондан боғ қоларкан...

...Жалол Рўзиевнинг уйида, дастурхон атрофида ўтирибмиз. Набираси — Сабоҳат қизининг фарзанди. 17 ёшли Жаҳоир коллежда ҳунар ўрганаётган экан. «Бобом менга

велосипед олиб берганлар, ҳозир ҳам бор», дейди гурурланиб.

Мен 2014 йил 16 июнда тутилган қалин «Дафтар»ни қизиқиб варақлайман. Пенсияга чиққан вақтлари экан. Унда ўғил-қизлари, набиралари, қариндош-уруғлар, дўстлари, энг муҳими турли соҳа вакилларининг телефон рақамлари қайд этилган.

Ҳаммасидан қуйидаги битиклар ҳайратини оширди: «Оқ» ва «Мухаббат» олмаеси Китоб туманида бор. Қизил, ёқимли ҳидли олмани Тожикистондан олса бўлади. «Салтанат» деган олма бор. Қадимий мурут навидан топиш керак. Китоб туманининг Гулгунпушт қишлоғидаги Аҳад аканинг катта боғи бор»...

— Отам ҳар бир мева қўчатини узок-узоклардан моҳир боғбонлардан олиб келиб, 8 гектар боғ яратдилар, — дейди фермер ўғли Фахриддин. — Ҳозир уни ўғлим Рўздат парваришляпти, алоҳида фермер хўжалиги тузилган. Бобо-набира бирга-бирга асл меваларни пайвандлашган. Шундан 2,5 гектардаги ёнғоқ дарахти аллақачон ҳосилга кирган.

— Орзулари кўп эди, — дейди умр йўлдоши Иззат ая. — Кичик ўғлимиз Фарҳоджон олий маълумотли иқтисодчи бўлган, уйланган, икки нафар фарзанди бор эди. Фалокат юз берди, тўсатдан оламдан ўтди. Отаси жуда куйди. Оғир касалликни орттирди. Тасалли шуки, фарзандларимиз отасининг ишини давом эттирарди. Ҳозир 25 неварамиз бор. Фарҳоджоннинг ўғлига Исроомбек, деб исм қўйганди, дуркун улғаймоқда. Уларга қараб севинаман.

Ҳозир ҳам бу қутлуг оstonадан қишлоқдошларнинг қадами узилиб кетмаган, йўқлаб келишар экан. Мен яна хонага кўз югуртираман. Деворга ниҳоятда чиройли отнинг сурати илинган экан. Альбомда ҳам отнинг суратлари кўп. Мен 1993 йил тоғдаги хўжаликда ўтган Наврўз байрамида зотли от миниб, қўлқарига қайвонилик қилиб Жалол акани кўрганимни дарров эсладим. Укаси Абдуҳакимнинг айтишича, у киши отга жуда меҳр қўйган, қўшни Қирғизистондан зотли бия сотиб олиб, чопқир отларни етиштиришга киришган экан. Ҳозир шу отларни укаси кўпайтирапти.

Мен Жалол ака пайванд қилган, ҳозир ҳосилга кирган ноёб мевали дарахтларни кўздан кечирдим. Ҳовлисида ўсаётган серҳосил ёнғокнинг мағзидан татиб кўрдим. Жалол ака яратган боғлар, эзгу ишлари унинг иккинчи умридир. Шоир Усмон Носир айтганидек: «Унутмас мени боғим...»

Юнус УЗОҚОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист. ①



ПАРЛАМЕНТ тарқатиб юборилди



Буюк Британия парламенти муддатдан аввалги сайловлар арафасида — 3 майда ўз ишини тўхтатди. Қонунчиликка кўра, парламент сайловларга 25 иш куни қолганда тарқатиб юборилиши керак. Бу пайтда парламент аъзолари оддий фуқароларга айланадилар.

Бу галги сайловлар 8 июнга белгиланган. Ушбу тақлиф мамлакат бош вазири Тереза Мэй томонидан киритилган ва парламент томонидан қўллаб-қувватланган. Парламент тарқатилиши Brexitдан кейин Британияга барқарорлик ва аниқлик кераклиги билан изоҳланади.


2016 ЙИЛДА 710 минг одамга сиёсий бошпана берилди



Европа Иттифоқида қирувчи давлатлар 2016 йилда 710 минг кишига сиёсий бошпана берди, шундан ярми сурияликлардир. Бу ҳақда ЕИнинг статистика агентлиги — Евростат маълум қилди.

Агентликнинг таъкидлашича, 2016 йилда бошпана берилганлар сони 2015 йилдагига нисбатан 2 баробар кўпдир.

АНТАРКТИКАДАН муз бўлақларини олиб келмоқчи



БАА Фуҷайра амирлиги соҳилларига Антарктикадан муз олиб келиш режалари борлиги ҳақида маълум қилди. Бу минтақани чуқур сув билан таъминлашга ёрдам беради.

Бундан ташқари, режага кўра, муз эритиш орқали денгизга чуқур сув туширилади. Шу йўл билан экологик мувозанат ва биохимик-хиллик тикланади. Қолаверса, айсберглар туристларни янада кўпроқ жалб этишга ҳам ёрдам беради.

Мутахассислар бу билан минтақадаги иқлимнинг ўзгаришига, яъни айсберглардан тарқалган совуқлик ёғингарчиликлар микдорининг ортишига олиб келиши мумкинлигини айтишмоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚКАТИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қуйидаги параметрларга эга бўлган компьютерлар сотиб олиш учун танлов эълон қилади:

25 дона компьютер — CPU Intel Celeron / 4GB — тезкор хотира(O3Y) / ПК ASROCK H81M-VG4 / SSD 120 GB, HDD 320 GB / Монитор 19" / Мультимедияли клавиатура / Оптик сичқонча / Танловда қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар ўз тақлифлари ҳамда ҳужжатларини 2017 йилнинг 15 майига қадар қуйидаги манзилга тақдим этиши мумкин.

Манзил: 100029 Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5/3. **Телефон:** (0-371) 239-18-49; 239-83-12.

Миллий матбуот марказида

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

соҳасидаги муаммолар юзасидан тушаётган мурожаатлари жиддий назоратга олиниб, уларни ҳал этиш чоралари кўрилмоқда

Бу ҳақда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжуманида алоҳида таъкидланди

— Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига жорий йилнинг 1 майига қадар тиббиёт соҳасига тааллуқли 25 мингга яқин мурожаат келиб тушган, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Элмира Боситхонова. — Улар ўрганилганда, баъзилар саломатлигини яхшилаш учун тиббий кўмак сўраган, айримлар тиббиёт ходимларининг муомала

маданиятидан ранжиб шикоят йўллаган. Меҳнат ва бандлик, моддий ёрдам, дори-дармон нархи, тиббий таълим масалалари, ногиронлик гуруҳини белгилаш, нафақа, протез, техника воситалари сўраб қилинган мурожаатлар вазирлигимиз томонидан алоҳида назоратга олиниб, уларнинг ечимини топиш юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда.

Натижада бугунги кунгача уларнинг 93 фоизи ўз ечимини топди.

Шунингдек, бу борадаги ишларни янада кучайтириш мақсадида соғлиқни сақлаш вазирлигининг виртуал қабулхонаси ташкил этилди. Доимий фаолият юритадиган **1003 рақамли «ишонч телефони»** ҳамда **www.ssv.uz расмий веб-сайти** йўлга қўйилди. Қолаверса, аҳолини қийнаётган муаммоларни жойларга чиқиб ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида вазирлигининг

масъул ходимлари ҳудудларда ўтказиладиган сайёр қабулларда фаол қатнашмоқда.

Тадбир сўнгига соғлиқни сақлаш тизимига аҳоли мурожаатлари билан ишлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, тизимни такомиллаштиришга доир дастур ва лойиҳалар ҳусусида маълумот берилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига жорий йилнинг 1 майига қадар тиббиёт соҳасига тааллуқли 25 мингга яқин мурожаат келиб тушган.

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» XII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ УЧУН ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҲОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА БОШ МИЛЛИЙ МУКОФОТ
«Тафаккур» журнали тахририяти — Бош муҳаррир
Эркин Аъзамов

Истиқлол йилларида мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида юз берган улкан янгиланишларни жамоатчиликка кенг тарғиб этган туркум материаллари учун
АСОСИЙ НОМИНАЦИЯЛАР

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН (ТЕЛЕВИДИЕНЕ):
1-ўрин:

Нилуфар Жумаева — «Маданият ва маърифат» телеканали муҳаррири

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг мақсад-моҳияти ва иқтисодий амалий жиҳатларини очиб беришга қаратилган «Очик студия» номли туркум кўрсатувлари учун

2-ўрин:
Зилолаҳон Расулова — «Рухсор ТВ» телеканали муҳаррири

Ўзбекистонни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси мақсад-моҳиятини очиб бериш ҳамда давлат ҳокимияти органлари ва халқ ўртасида очик мулоқотнинг самарадорлигига бағишланган «Мулоқот ва манфаат» номли туркум кўрсатувлари учун

3-ўрин:
Севара Ўринбоева — ЭОАВМА лойиҳа раҳбари
Ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни танқидий ва таҳлилий ёритишга қаратилган «Халқ билан мулоқот: менинг овозим» туркум ток-шоулари учун

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН (РАДИО):
1-ўрин:

Кумуш Пардаева — «Yoshlar» радиоси муҳаррир-бошловчиси

Ёшларга оид давлат сиёсати моҳияти кенг ёритилган, ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган дастурлари учун

2-ўрин:
Ҳожимурод Отакулов — «O'riyat-dono» радиоканали бош муҳаррири

Ёшларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, иқтидорли йигит-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган «Замонамиз ёшлари» туркумидаги материаллари учун

3-ўрин:
Улбоған Ермбетова — «Нукус FM» радиоси муҳаррири
Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кенг ва таҳлилий ёритгани учун

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН (МАТБУОТ):
1-ўрин:

«Қишлоқ ҳаёти» газетаси тахририяти — Бош муҳаррир Чори Латипов

Мамлакатимиз аграр соҳасида юз бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни кенг ёритгани учун

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси тахририяти — Бош муҳаррир Сирожиiddин Саидов
Мамлакатимиз маданий, адабий ҳаётидаги янгиланишларга қўшган ҳиссаси учун

2-ўрин:
«Экономическое обозрение» журнали — Шеф муҳаррир Елена Икаева

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни кенг ва чуқур ёритгани учун

3-ўрин:
Дилфуза Қўзиёева — «Фермер» журнали масъул котиби
Қишлоқ аҳли ҳаётидаги янгиланишлар таҳлилий ёритилган материаллари учун

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН (ИНТЕРНЕТ-ЖУРНАЛИСТИКА):
1-ўрин:

Умид Ёқубов — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА етакчи муҳаррири
Мамлакатимиз ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий жараёнларни интернет тармоғида кенг ёритгани учун

2-ўрин:
Рустам Раҳимов — «Жаҳон» ахборот агентлиги мутахассиси

Мамлакатимизда амалда оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар жараёнини хорижий аудиторияга кенг тарғиб қилгани учун

3-ўрин:
Элмуроджон Эрматов — «Kun.uz» веб-сайти муҳаррири
Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва рўй бераётган янгиланишлар жараёнини кенг ва таҳлилий ёритгани учун

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР БЎЙИЧА:

«Энг яхши матбуот хизмати» номинацияси:
Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати — Матбуот хизмати раҳбари Нурбек Мустафоев

«Энг яхши фоторепортаж учун» номинацияси:
Баҳром Абдурахимов — «Ватанпарвар» газетаси фотомуҳбири

«ОАВда китобхонлик маданияти тарғиб этилган энг яхши материал учун» номинацияси:
Қодиржон Қайумов — «Шарқ зийси» газетаси муҳбири

«Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун» номинацияси:
Шеймус Керри — «EuroNews» телеканалининг «Postcards» кўрсатуви муаллифи ва бошловчиси

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛАР НОМИНАЦИЯЛАРИ
ҲОЛИБЛАРИ

ЮНЕСКО ваколатхонаси
«Ногиронлар ҳаёти мавзуси ёритилган энг яхши материал учун»
Анора Содиқова, dil.uz сайти муҳбири

БМТ Ахборот маркази
«Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлиги ёритилган энг яхши материал учун»
Дилдора Зайнуллонова, «Uzbekistan Today» газетаси муҳбири

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти
«Ёшларни экстремизм ва терроризм каби радикал таъсирлардан асраш масалалари ёритилган энг яхши материал учун»
Георгий Петросян, Ўзбекистон Республикаси ИИВ «Постда» — «На посту» газеталари бирлашган тахририяти бўлим мудири

«Мамлакатда давлат ҳокимияти органларининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини ошириш ҳамда жамоатчилик назоратини ривожлантириш масалалари ёритилган энг яхши таҳлилий материал учун»
Лобар Исмолова, «Anhor.uz» сайти бош муҳаррири

Project HOPE (USAID дастури) (АҚШ)
«USAIDнинг сил касаллигига қарши кураш дастури доирасида сил касаллигининг олдини олиш ва даволаш масалалари ёритилган энг яхши материал учун»
Иқболжон Абдужабборов, www.silning-davosi-bor.uz сайти раҳбари

D V V International (Германия)
«Катта ёшдагилар, айниқса, аёлларга таълим бериш, қўшимча янги ҳунар инсон ҳаёти яхшиланишига қандай ёрдам берганлигининг энг яхши намуналари акс этган материал учун»
Ольга Немировская, «Экономическое обозрение» журнали муҳбири

«Минтақавий мулоқот» халқаро ташкилоти (Словения)
«ОАВ коррупцияга қарши курашда»
Мафтуна Мамасиддиқова, «Рухсор ТВ» телеканали муҳбири

Softline компанияси
«Ахборот хавфсизлиги масалалари ёритилган энг яхши материал учун»
Богдан Шкляревский, InfoCOM.uz сайти

XXРнинг Ўзбекистондаги элчихонаси
«Замонавий «Илпак йўли»нинг иқтисодий салоҳияти ҳақидаги энг яхши материал учун»

Шарофуддин Тўлаганов, «Ўзбекистон» ТРК бўлим мудири

«Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан маданий-гуманитар алоқаларини мустаҳкамлаш (жумладан, Хитой билан) борасида олиб борилаётган ишлар ҳақидаги энг яхши материал учун»

Наргис Қосимова, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети доценти

«Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мавзусидаги энг яхши материал учун (икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан)»

Ша Дати, «Синьхуа» ахборот агентлигининг Тошкентдаги муҳбири

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси

«Халқ маданий меросини сақлаш масалалари ёритилган энг яхши материал учун»
Инна Аккерманцева, «На досуге» ҳафталиги бош муҳаррири

«Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мавзусидаги энг яхши материал учун»
Юрий Черногаев, «Anhor.uz» сайти шарҳловчиси

МИЛЛИЙ ҲАМКОРЛАР НОМИНАЦИЯЛАРИ
ҲОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши

«Меҳнат муносабатлари мавзуси энг яхши ёритилган материал учун»

Ҳамидулло Матисаев, Андижон вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси аппаратининг бўлим мудири

«Ижтимоий шериклик мавзуси энг яхши ёритилган материал учун»

Тошпўлат Матибоев, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ соғлиқни сақлаш хизмати бошлиғи, жамоатчи журналист

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди

«Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун»
Ақромжон Иномов, «Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси ёритилган энг яхши материал учун»
Сарвар Очилов, «Фермер» журнали муҳбири

AGROBANK

Хотира ва қадр туйғулари
халқимизга хос бўлган азалий
қадриятлардир.
Ўтганларни ёдга олиш, бугун
ҳаёт бўлган кекса авлод
вакиллари ҳурмат-иззатини
жойига қўйиш ҳар биримизнинг
муқаддас бурчимиздир.

**9 май —
Хотира ва
қадрлаш куни**

ЗАВОД «KRANTAS»
производит и реализует под заказ:

► Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
► Водовозы — 4, 8, 12 м³.
► Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
► Комбинированные поливочные машины — 4, 8 м³.
► Кислотовозы — 6, 8, 10 м³. ► Автогудронаторы — 6, 8 м³.
► Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ
«ПАХТА TRANS SERVIS» МЧЖ балансидаги д/р 01/939HAA бўлган «Нексия»; д/р 01/443SBA бўлган «Нексия»; д/р 01/205MEA бўлган «SONATA»; д/р 01/762AEA бўлган «MATIZ»; д/р 01/087MEA бўлган «MATIZ» русумли автотранспорт воситалари ушбу ташкилотнинг 2017 йил 27 апрелдаги 33-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 005357

MUASSIS:

Баш муҳаррир: **Сафар ОСТОНОВ**

ТАХРИР ҲАҲАТИ:

Hotamjon KETMONOV	Muslihidin	Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Ulug'bek VAFOYEV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Saidkamol XODJAYEV	Ochilboy RAMATOV	

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 538
14501
naxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 22:25
Toshirilgan vaqti — 00:35

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Faxriddin PARPIEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7673

1 2 3 4 5